


# PEDAGOGIK MAHORAT

8  
—  
2023



**ISSN 2181-6883**

# **PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**8-son (2023-yil, sentabr)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro – 2023**

|     |                                             |                                                                                                                     |     |
|-----|---------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 21. | <b>АВУЛХАИРОВ Фирдавсий<br/>Ўткир ўғли</b>  | Оилада соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик муаммолари                           | 103 |
| 22. | <b>БАФАЕВ Мухиддин<br/>Мухаммадович</b>     | Толерантликнинг назарий-методологик ва концептуал асослари                                                          | 107 |
| 23. | <b>БУХОРОВ Исломил<br/>Нематович</b>        | Таълим-тарбия фаолиятини амалга оширишда андрагогик ёндашув                                                         | 112 |
| 24. | <b>ЖУМАНОВА Фатима<br/>Ураловна</b>         | Янги Ўзбекистонда ўқитувчи касбига оид инновацион фаолият ва педагогик маҳорат                                      | 116 |
| 25. | <b>ИБРАГИМОВ Аъламжон<br/>Амриллоевич</b>   | Ўқитувчини касбий фаоллаштиришда когнитив визуаллаштиришга доир тадқиқот ва таҳлил                                  | 121 |
| 26. | <b>КОМИЛОВ Нодирбек<br/>Бокижонович</b>     | Замонавий тиббиёт педагогикасида тиббиёт тарихи фанини ўқитишининг энг муҳим жиҳатлари таҳлили                      | 127 |
| 27. | <b>ОРИББОЕВА Дилафрӯз<br/>Дадамирзаевна</b> | Бўлажак педагогларда касбий-мотивацион соҳанинг ривожланганлиги ижтимоий компетентликни белгиловчи омил сифатида    | 132 |
| 28. | <b>ОЧИЛОВА Хурсаной Махмуд<br/>қизи</b>     | Таълим кластери мұхитида бўлажак мутахассисларни Устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси | 138 |
| 29. | <b>RO'ZIYEV Umar Muzafarovich</b>           | O'spirinlarda ijtimoiy fobiya rivojlanishi bilan bog'liq holatlarning diagnostikasi                                 | 142 |
| 30. | <b>ТУРДИЕВ Бахтиёр<br/>Эргашович</b>        | Бўлажак информатика ўқитувчиларни касбга тайёрлашда индувидуал таълим мұхитини шакллантириш                         | 149 |
| 31. | <b>ХИКМАТОВА Мукадас<br/>Нуриллоевна</b>    | Самостоятельная работа как обязательный вид образовательной деятельности                                            | 154 |
| 32. | <b>ЮЛДАШЕВА Дилдора<br/>Махмуджсановна</b>  | Бакалавр йўналишда касбий компетенцияларини шакллантиришга турли ёндашувлар                                         | 159 |
| 33. | <b>ҚУЛИЕВА Шаҳноза<br/>Халимовна</b>        | Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув-методик тизимнинг аҳамияти                                        | 168 |

#### МАКТАБГАЧА VA BOSHLANG'ICH TA'LIM

|     |                                              |                                                                                                                    |     |
|-----|----------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 34. | <b>ISMATOV Sobir<br/>Raximqulovich</b>       | Boshlang'ich sinf o'qish darslarida matn ustida ishlash orqali nutq o'stirishning psixologik xususiyatlari         | 172 |
| 35. | <b>KUCHKAROVA Shakarjon<br/>Azimboy qizi</b> | Boshlang'ich sinflarda matn ustida ishlash orqali nutq o'stirishda o'qish va ona tili ta'liming uzvivligi          | 176 |
| 36. | <b>MO'MINOV Sulton Akbar<br/>o'g'li</b>      | O'zbekistonda maktabgacha va mакtab ta'limi tizimida inklyuziv ta'lim                                              | 184 |
| 37. | <b>ORIPOVA Munisa</b>                        | Badiiy tarbiya o'quv mashg'ulotlari orqali maktabgacha yoshdag'i bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish | 189 |

#### FILOLOGIYA VA TILLARNI O'QITISH

|     |                                              |                                                                                         |     |
|-----|----------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 38. | <b>IMINAKHUNOVA Iroda<br/>Xuseinovna</b>     | A professionally-oriented approach to teaching English at a medical University          | 193 |
| 39. | <b>KAKHOROVA Tursinoy<br/>Ulugbek kizi</b>   | Peculiarities of using digital technologies in teaching English in medical institutions | 197 |
| 40. | <b>ХУДАЙБЕРДИЕВА Дильфузা<br/>Мухтаровна</b> | Преподавание русского языка в нефилологических вузах                                    | 202 |

## ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚУВ-МЕТОДИК ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ

Кулиева Шахноза Ҳалимовна,  
Бухоро давлат университети,  
Физика-математика факультети,  
“Гелиофизика, қайта тикланувчи энергия  
манбалари ва электроника” кафедраси доценти  
*kuliyeva\_shakhnoza@mail.ru*

Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида бўлажсак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув-методик тизимнинг аҳамияти хусусида фикр юритилади. Бўлажсак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида методик тизим бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда таълим жараёни мазмунини инобатга олиш зарур. Бўлажсак ўқитувчилар танлаган соҳаси ҳамда мутахассислиги бўйича ҳар бир фан кесимида методик компетентликка эга бўлиши керак. Бунда бўлажсак технология таълими ўқитувчиларини инновацион педагогик фаoliyatiga тайёрлашда касбий методик тайёргарлик муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, бўлажсак технология таълими ўқитувчилари тайёрлаш жараёнида ўқув-методик тизимни таомиллаштиришини амалга ошириш учун таълим мақсадлари ҳамда методларини шакллантириш, методик тизимнинг мақсадга мувофиқ фаoliyat кўрсатишини таъминловчи элементлари ва улар орасидаги муносабатларни аниqlashi талаб этилади. Бўлажсак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув-методик тизим ижтимоий мақсадга йўналтирилган, концептуал, таълим жараёни, натижавий баҳолаш блоклардан иборат. Мақолада бўлажсак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув-методик тизимнинг аҳамияти батафсил ёритилган.

**Калим сўзлар:** технологик таълим, ўқув-методик тизим, педагогик тизим, дидактик тизим, концептуал, таълим жараёни, таълим мазмуни баҳолаш.

## ЗНАЧЕНИЕ УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В ПОДГОТОВКЕ УЧИТЕЛЕЙ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

В данной статье представлено значение учебно-методической системы в подготовке будущих преподавателей технологического образования в высших учебных заведениях. В процессе подготовки будущих учителей технологического образования необходимо учитывать содержание образовательного процесса в приобретении знаний, навыков и квалификации по методической системе. Будущие учителя должны обладать методической компетентностью по каждой дисциплине, выбранной ими области и специализации. В связи с этим профессиональная методическая подготовка имеет важное значение в подготовке будущих учителей технологического образования к инновационной педагогической деятельности, поэтому для совершенствования учебно-методической системы в процессе подготовки будущих учителей технологического образования необходимо сформировать образовательные цели и методы, определить элементы, обеспечивающие правильное функционирование методической системы и связи между ними. В процессе подготовки учителей технологии будущего образования учебно-методическая система состоит из социально-целевого, концептуального, образовательного процесса, блоков оценки результатов. В статье подробно рассмотрено значение учебно-методической системы в подготовке будущих учителей технологического образования.

**Ключевые слова:** технологическое образование, учебно-методическая система, педагогическая система, дидактическая система, концептуальность, образовательный процесс, оценка содержания образования.

## THE IMPORTANCE OF THE CURRICULUM SYSTEM IN TRAINING TECHNOLOGY EDUCATION TEACHERS

*This article presents the importance of the educational and methodological system in the preparation of future teachers of technological education in higher educational institutions. In the process of training future teachers of technological education, it is necessary to take into account the content of the educational*

*process in acquiring knowledge, skills and qualifications according to the methodological system. Future teachers must have methodological competence in each discipline of their chosen field and specialization. In this regard, professional methodological training is important in preparing future teachers of technological education for innovative teaching activities. In the process of training teachers of future education technologies, the educational and methodological system consists of a social-target, conceptual, educational process, and blocks of results assessment. The article examines in detail the importance of the educational and methodological system in the preparation of future teachers of technological education.*

**Key words:** technological education, educational and methodological system, pedagogical system, didactic system, conceptuality, educational process, assessment of the content of education.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдан иборат.

Жаҳон микёсида юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни бўйича ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт таснифлагич даражалари бўйича таълим жараёнинга инновацион технологияларни кўллаш, STEAM таълим мини жорий қилиш, жаҳон меҳнат бозорига юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда.

МДҲ давлатларида олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш мақсадида таълим сифатини яхшилаш, таълим тизимининг ривожланиш интенсивлиги асосида модернизациялаш, илмий ва инновацион касбий фаолиятни самарали ташкил этиш, таълимда инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш, тадқиқот натижаларини кенг амалиётга жорий этишга оид илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, амалий фанлар гуруҳидаги технология таълимнинг мазмун-моҳиятини бойитиш, унинг йўналишларини уйғунлаштириш, мактаб ва олий таълимдаги технология таълими йўналиши бўйича ўқитилиши керак бўлган умумкассий ва ихтинослик фанларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш бўйича ривожланиш интенсивлиги талабида илмий-услубий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Асосий қисм.** Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мутахассислар тайёрлаш жараёнида давлат ва жамият, ишлаб чиқариш, шахс эҳтиёжлари ҳамда Давлат таълим стандартлари талаблари ўртасидаги узвийликни таъминлаш вазифаси кўрсатиб ўтилган. Бу эса бўлажак технология таълими ўқитувчиларида касбий билим, кўнишка ва малакаларни изчил шакллантириш ва ривожлантиришнинг интегратив асосларини инобатга олиш зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичи бўлган умумий ўрта таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифати ва самарадорлигига катта талаблар кўймоқда. Мазкур талаблар технология таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасини ошириш, шахсга йўналтирилган таълим, ҳамкорликда ҳамда муаммоли ўқитиш технологияларига асосланган замонавий таълимтарбия жараёнларини ташкил қилишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Республикамиз олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган технология таълими тайёрлов йўналишларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун ўқув-меъёрий хужжатлар, давлат таълим стандартлари асосида яратилган малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, фандастурлари, дарсликлар, ўқув-услубий кўлланмалар, дидактик материалларни яратилиши йўлга кўйилди. Бу амалга оширилаётган ишлар бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда ўқув методик тизимни такомиллаштириш учун асос бўлади.

Бугунги кунда технология таълими йўналишларидағи мавжуд ўқув режа ва дастурларининг мазмунини қайта ишлаб чиқиш, таълим жараёнида ўқитишнинг самарали шакл ва методларини кўллаш, талабаларнинг ўқув-методик тайёргарлигини кучайтириш, касбий-педагогик маҳоратини ошириш шарт-шароитларини шакллантириш каби муаммоларни ечиш учун мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

В.Б.Малев замонавий методик тизимнинг характерли хусусиятлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиб берган [2]:

- таълим жараёнини илмий асосда режалаштириш лозимлиги;
- назарий ва амалий тайёргарликнинг уйғунлиги ва бирлигига эришиш;

- ўқув материалини тез суръатда, юкори даражада ўргана олиш;
- юкори фаоллик ва талабаларнинг етарлича мустақил фаолиятига эришиш;
- индивидуал ва гурухли фаолиятнинг ўзаро бирлиги таъминланиши;
- ўқув жараёнининг техник воситалар билан тўлиқ таъминланганлигига эришиш;
- турли фан, мавзуларни ўрганишда комплекс ёндашувнинг таъминланиши.

Н.А. Муслимовнинг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” адабиётида методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллашдан иборатлиги берилган [3].

Н.А. Қаюмовнинг тадқиқот ишларида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда методик тизимни замон талаблари даражасида такомиллаштириб боришни ўргатиб бориб, методик тизим элементлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланишига, натижада ҳар бир информатика ўқитувчисининг касбий фаолиятини амалга ошириш жараённида ўз методик тизимини яратишига эришишини таъминлаши лозимлиги таъкидланган [1].

Бугунги кунда технология таълими ўқитувчиларининг касбий-методик тайёргарлиги даражасини ошириш, инновацион таълим технологияларга асосланган замонавий таълим-тарбиянинг методологик асосларини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак технология таълими ўқитувчилар тайёрлаш жараённида ўқув-методик тизимни такомиллаштириш механизмлари, энг аввало, ўқув-методик тизим моҳиятини асослаш, методик тизимнинг хусусиятларини, асосий тавсифий белгилари (тузилма ҳамда функциялари)ни, уларга таъсири қилувчи омилларни аниқлашни назарда тутади.

Бўлажак технология таълими ўқитувчилари тайёрлаш жараённида ўқув-методик тизимни такомиллаштиришни амалга ошириш учун таълим мақсадлари ҳамда методларини шакллантириш, методик тизимнинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминловчи элементлари ва улар орасидаги муносабатларни аниқлаш талаб этилади.

Ўқув-методик тизим – бўлгуси технология таълими ўқитувчиларнинг билимга эга бўлиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув жараёнини режалаштириш ва ўтказиш, назорат қилиш, тахлил қилиш ва баҳолашнинг ўзаро боғлиқ усуслари, шакллари ва воситаларининг тартибланган мажмуудир.

Ўқув жараёни методик тизим асосида ташкил этилса, сифат – самарадорлик бўлади.

Замонавий ўқув-методик тизимнинг ўзига хос-хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув жараёнини илмий асосланган ҳолда режалаштириш;
- таълим олувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлигининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- ўқув материалани ўрганишнинг юкори даражадаги қийинчиликлари;
- максимал даражадаги фаоллик ва таълимнинг етарли даражада мустақиллиги;
- таълим олувчиларнинг индивидуал ва жамоавий меҳнатини уйғунлаштириш;
- ўқув жараёнини моддий техник таъминотини таъминлаш;
- турли ўқув фанларининг ўзаро боғлиқлик интеграцияси.

Н.Л. Стефанова “Ўқитишининг методик тизими” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Бу ўқув жараёнининг турли таркибий қисмларини, жумладан, мақсадлари, мазмуни, усуслари ва шакллари, воситалари ва режалаштирилган таълим натижаларини акс эттирувчи моделдир” [8].

Т.А.Вороненко ўқув-методик тизимни аниқлашда қуйидагиларни таклиф қиласди [9]:

1) тизимдан ташкаридаги мақсадларни аниқлаш;  
2) методик тизим элементлари мажмуасини қуйидаги элементларни қўшиш орқали кенгайтириш:

- таълимдан кутилаётган натижалар;
- таълим мазмуни, усуслари, шакллари ва воситаларини танлаш технологиялари;
- услубий тизим элементлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш технологиялари.

Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараённида “педагогик тизим”, “дидактик тизим” тушунчаларининг талқинларини ўзаро боғлаб, биз умумий шаклда “методик тизим” тушунчасига таърифни ишлаб чиқдик. Методик тизим дидактик тизимнинг компоненти сифатида –ҳар қандай фанни ўрганиш, ижтимоий мақсадни ўзида қамраб олган, белгиланган концепция ва тамойиллар (педагогик, дидактик ва методик) асосида мувофиқ танланган ўзаро компонентлар (мазмун, методлар, воситалар, таълим шакллари)га аосланган, таълим жараёни мақсадли функциялар билан боғланган, қаерда тизимнинг асосий компонентлари бўлса, мақсад ва тамойиллар тизимли бўлади.

Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув-методик тизим ижтимоий мақсадга йўналтирилган, концептуал, таълим жараёни, натижавий баҳолаш блоклардан иборат бўлади.

Демак, биринчи ижтимоий-мақсадли блок жамиятнинг ижтимоий тартибига риоя қилиш бўйича мантиқий асосларни ҳамда жамиятга ёшларни тайёрлаш ва ҳуқуқий сиёсий онгини шакллантиришни ўз ичига олади. Бунда ўқув-методик тизимнинг яратувчиси сифатида мақсад тизимли роль ўйнайди.

Иккинчи концептуал блок назарияни ўз ичига олган бўлиб, ўқув жараёнининг педагогик моҳияти, инструментал харакатлар ифодасининг тамойилларидир (педагогик, дидактик, методик). Тамойилларда биринчи бўлиб, назария ва амалиёт бирлиги муҳим аҳамият касб этади, бундан сўнг методлар ва бошқа жараёнлар амалга оширилади. Технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув-методик тизим элементлари ҳамда тамойиллари регуляция механизми асосида ўзаро боғланиши ва бирлигини таъминлаши керак. Шунинг учун тамойиллар тизимнинг ташкил этувчи компоненти хисобланади.

Таълим жараёни блоки ўқув предметининг мазмунни, фанни ўқитиш усуслари, шакллари, воситаларини камраб олади, уларни танлаш мақсадга мувофиқ педагогик, дидактик, методик тамойиллар билан белгиланади.

Натижавий баҳолаш блоки креатив қобилиятлар, билим, кўникма, малака, шахсий фазилатлар ҳамда ўқув натижаларини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, агар биринчи блокда мавжуд тизимлар тизим яратувчи элементларни ўз ичига олса, иккинчи блок тизимни шакллантириш элементлари, кейинги таълим жараёни ва натижавий баҳолаш блоклари тизимни амалга оширувчи элементлар хисобланади.

**Хулоса** қилиб айтадиган бўлсак, технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув-методик тизимнинг асосини қуидагилар ташкил этади:

- бўлажак технология таълими ўқитувчиси сифатида ўқитувчини тайёрлашнинг мақсадлари, яъни аниқ ижтимоий мақсадларга эришишларини таъминлашга ўргатиб бориш;
- бўлажак технология таълими ўқитувчилари методик тизимни танлаган мутахассисликлари бўйича ҳар бир мавзу, ҳар бир фан кесимида тушуниб етишига эришиш;
- технология таълими ўқитувчиси сифатида таълим мазмунини тўғри танлай олиши ҳамда назорат ва баҳолашни сифатли амалга ошириши керак.

#### Адабиётлар:

1. Каюмова Н.А. Ўқитишининг ахборот-таълим тизими шароити ва унда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ўқитувчиларини тайёрлаш. – Т.: «Фан ва технология», 2015.
2. Малев В.В. Общая методика преподавания информатики: Учебное пособие. - Воронеж: ВГПУ, 2005. - 271 с.
3. Muslimov N.A va boshqalar. Pedagogik kompetentlik va kreativ asoslari. O'quv-metodik qo'llanma. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 b.
4. Muslimov N.A., Qo'yisinov O.A., Abduraxmonov Sh., Abdullayeva Q.M., Gaipova N.S. Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini metodik kompetentligini shakllantirish texnologiyasi. Nizomiy nomidagi TDPU Rizografi, Toshkent 2014 yil. 6,75 b.t.
5. Shakhnoza K, Makhbuba K. Interactive technologies as a means to improve the efficiency and quality of the educational process. International Journal of Human Computing Studies 3 (2), 182-186.
6. Kuliyeva Sh. Improving teaching aids in the training of future technology teachers. International Journal of Early Childhood 14 (03), 2022.
7. El papel de las tecnologías pedagógicas modernas en la formación de la competencia comunicativa de los estudiantes. Halimovna K.S, Nurilloyevna M.O, Radzhabovna K.D, Shavkatovna R.G Religión. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades 4 (15), 261-266.
8. Стефанова Н. Л. Теоретические основы развития системы методической подготовки учителя математики в педагогическом вузе: Автореф. докт. дисс. - СПб., 1996.
9. Вороненко Т. А., Н.И. Рыжова Информатика ўқитиш методикаси. Maxsus техника: Талабалар учун дарслик. - Санкт-Петербург: Рос. пед. ун-т, 1997.